



Fidoyilik —  
Vatanga xizmat demak!

2022-yil 30-avgust, seshanba,  
100 (23.667)-son

**КУН  
ҲИКМАТИ**

Интизомни ота-онанинг фарзандлари интизомсиз бўлишдан тийиладди, улар ота-онанинг жаҳли чиқиши ёки уриши, сукнишидан қўрқмайди, балки уларнинг салохиятига номуносиб иш қилишдан чўчидади

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan



www.zarnews.uz



https://www.facebook.com/zarnews.uz



@zarnews\_uz



https://twitter.com/zarnews\_uz



# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛ АЗИЗ, ИНСОН АЗИЗ!

## ПРЕЗИДЕНТ АЙТДИ


Самарқандни йирик туризм марказига айлантиришда “Боқий шаҳар” меъморий ансамбли алоҳида муҳим ўрин тутати.

У келгусида бутун Самарқанднинг ўзига хос “ташриф қоғози”га айланади, деб ишонаман.

Ушбу мажмуа ҳар қандай сайёҳни қадимий афсоналар оламига, тарихий обидалар

дунёсига олиб кирадиган том маънодаги ноёб лойиҳадир.

Қадимий услубда барпо этилган 14 та худудимизга хос 40 та хунармандлик устахонасининг ҳар бири бетакрор қиёфага эга.



“Боқий шаҳар” мажмуаси -  
**СУРАТЛАРДА**

Самарқанд вилояти ҳокимининг қарори

## Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг олтинчи чақириқ етмиш биринчи сессиясини чақириш тўғрисида

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига асосан **ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг олтинчи чақириқ етмиш биринчи сессияси **2022 йил 6 сентябрь кuni соат 9:00 да** чақирилсин.

2. Сессия кун тартибига қуйидаги масалалар киритилсин:

- вилоят ички ишлар бошқармаси бошлигининг ўринбосари – жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиғи Х.Умаровнинг 2022 йил II чорак давомида вилоят жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ишлар, жамоат хавфсизлигини таъминловчи ва унда иштирок этувчи субъектлар билан ҳамкорликда амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботи;

- Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси вилоят бошқармасининг 2022 йилнинг I ярим йиллигидаги фаолияти юзасидан ҳисоботи;

- Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи Ф.Ражабовнинг сув ресурсларини бошқариш, сув ҳўжалиги объектларининг техник ҳолатини яхшилаш, шунингдек, вилоятда сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш ҳолати тўғрисидаги ҳисоботи;

- Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси бошлиғи Х.Тўхтаевнинг вилоятда ёшлар муаммоларини ҳал этиш борасида амалга оширилаётган ишлар, ёшлар билан ишлаш самарадорлиги ва натижадорлигини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари юзасидан ҳисоботи;

- вилоятнинг шаҳар ва туманларида маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш дастурининг мақсадли параметрларини тасдиқлаш тўғрисида;

- вилоят “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағларидан фойдаланиш тўғрисида;

- Самарқанд вилоятидаги ички ҳўжалик йўлларини реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларини янада жонлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида;

- халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳузурида компенсация комиссиясини тузиш тўғрисида;

- юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлаш мuddатини кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) тўғрисида;

- давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкасини олиб қўйишга рухсат бериш тўғрисида;

- вилоят маҳаллий бюджетининг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисида;

- бошқа масалалар.

3. Мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

Вилоят ҳокими **Э.ТУРДИМОВ**

2022 йил 29 август

## 31 йиллик шодиёнага ЯНГИ БИНО

Мустақиллигимизнинг 31 йиллик байрами арафасида вилоятимиз туман ва шаҳарларида маҳалла марказларининг янги бинолари қад ростламоқда.



Жумладан, Пахтачи туманида 10 та, Пайариқда 8 та, Самарқанд шаҳри, Паст Даргом ва Нуробод туманларида 3 тадан, Нарпай ва Каттакўрғон

туманларида 2 тадан маҳалла марказларининг янги бинолари фойдаланишга топширилди.

Тадбирларда вилоят маҳалла ва нуронийларни

қўллаб-қувватлаш бошқармаси “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, ҳокимликлар масъуллари, сектор раҳбарлари ва маҳалла аҳли иштирок этди.

- Мустақиллик шодиёналари арафасида 31 та маҳалла марказининг янги бинолари фойдаланишга топширилмоқда, - дейди вилоят маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи Исроил Жабборов. - Барча қулайликларга эга ушбу замонавий биноларнинг асосий қисми бюджет маблағлари ҳисобидан, бир қисми давлат-шериклик асосида ҳамда хомийлар кўмаги билан бунёд этилди. Жорий йил охиригача яна 60 та маҳалла марказининг янги биноси фойдаланишга топширилади.

Намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган ушбу бинолар зарур мебель, компьютер жиҳозлари ва бошқа воситалар билан таъминланган.

Сулаймон МАРДИЕВ.

## Гапнинг индаллоси...

Қудратилла РАФИҚОВ,  
Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерацияси раиси,  
Олий Мажлис Сенати аъзоси:

- Халққа йўл берилса, шароит яратилса, у мислсиз бунёдкорликларга, ижодкорликка қодир. Бир мутафаккир айтганидай, “Халқ – жамики бойликларни яратувчи кучгина эмас, маънавий бойликларнинг ягона ва битмас-туганмас манбаидир, у заминнинг жамики буюк дostonларини, ҳамма фожиаларини ва улардан энг улуги – жаҳон маданияти тарихини яратган, ижодининг гўзаллиги ва доҳияналиги жиҳатидан биринчи бўлган файласуф ва шоирдир”.

## Худудларда байрам шукуҳи

Вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида мамлакатимиз мустақиллигининг 31 йиллиги кенг нишонланяпти. “Янги Ўзбекистонда эл азий, инсон азий!” шиори остида тантанали тадбирлар ташкил этилиб, янги иншоотлар фойдаланишга топшириляпти. Кексалар, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар ҳолидан хабар олиняпти.

Бўлунғур тумани ҳокими Самандар Астонов Бешкуви маҳалласида яшовчи 109 ёшли Рухсат момо ҳамда Гулобод маҳалласида 101 ёшга кирган Тoшбуви момоларнинг ҳолидан хабар олди. Байрам совғалари улашиб, улар билан бир пиёла чай устида дилдан сўхбатлашди.

Жорий йилда “Ташаббусли бюджет” порталига Пайариқ туманидаги 10 дан ортқ маҳалла фуқаролар йиғини биноларини таъмирлаш бўйича таклифлар жойлаштирилди. Фуқароларнинг фаоллиги натижаси-

да 6 маҳалла ғолиб деб топилди. Қурилиши якунига етган Фитрат, Туркибола ва Бунёдкор маҳалла бинолари байрам олдида фойдаланишга топширилди.

Мустақиллигимизнинг 31 йиллик байрамини Қўшрабoт тумани Қорақисмоқ қишлоғи аҳолиси ўзгача қарши оляпти. Жорий йилда кишлоқ ёшларининг 31 нафари олий таълим муассасаларига ўқишга кириб, талаба бўлди. Эътиборлиси, уларнинг аксарияти давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинган.

Шу пайтга қадар Нуробод тумани Юксалиш маҳалласида аҳоли учун тиббий хизмат кўрсатадиган муассаса йўқ эди. Мустақиллик байрами олдида худудда “Маҳалла тиббий пункти” фаолият бошлади. 6 мингга яқин аҳолига тиббий хизмат кўрсатадиган мазкур пунктда етарли шароит яратилган.

Нарпай туманида “Обод маҳалла маскани” мажмуаси фойдаланишга топширилди. Туманнинг Оқолтин маҳалласи худудида бунёд этилган ушбу мажмуада озик-овқат ва ҳўжалик моллари дўконлари, хунармандлар устахонаси, ошхона, сартарошхона ҳамда бошқа савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари иш бошлади. Натижада 50 дан ортқ янги иш ўринлари яратилди.



# "ХУДУД ГАЗ САМАРҚАНД"

ГАЗ ТАЪМИНОТИ ФИЛИАЛИ

халқимизни истиқлолнинг

# 31 ЙИЛЛИГИ

билан қутлайди.



Хизматлар лицензияланган.

# "САМАРҚАНД ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ"

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ



вилоятимиз аҳли ва меҳмонларини

# МУСТАҚИЛЛИК КУНИ

билан муборакбод этади.



## Жонқуяр раҳбар, фидойи муаллим эди

Тўхтатож Муҳаммадиевичнинг номи тилга олинганда каттакўрғонликлар кўз ўнгига умрининг 60 йилдан ортганини халқ хизматида бағишлаган маданиятчи, шаҳар тарихини беш қўлдек билган, соҳаларда эришилган ҳар бир ютқудан қувониб, шахсий ютуғи сифатида қабул қилган маърифатпарвар, одамохун, фидойи инсон гавдаланади.

Тўхтатож Ҳақимовнинг болалиги, ёшлиги суронли уруш ва ҳали Иккинчи жаҳон уруши оқибатлари тўлиқ бартараф этилмаган оғир йилларда кечди. Бироқ устознинг илм олишига, маърифатга интилувчи инсон сифатида шаклланишига давр муҳити ўз таъсирини ўтказмаган.

Маълумки, ўша йилларда мамлакатда ўқитувчилар етишмас, малакали педагог-кадрларга эҳтиёж катта эди. Буни юракдан ҳис қилган ёш Тўхтатож илм излаб Тошкентга йўл олади. У Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг физика-математика факультетига ўқишга киради.

Ўқишни битириб, фаолиятини ўзи тахсил олган 2-сонли мактабда бошлади, икки йилдан сўнг шаҳардаги 13-мактаб илмий бўлим мудири вазифасида ишлади. Бу ерда ташкилотчи раҳбар сифатида танилган Тўхтатож ака 1964 йилда Каттакўрғон шаҳар партия кўмитаси ташвиқот ва тарғибот бўлими мудири вазифасига тақлиф қилинади. У мазкур вазифада ўн икки йил ишлаб, ташаббускор ва аҳолининг маънавий, ижтимоий-иқтисодий даражаси ошишига туртки берган фаол раҳбар сифатида обрў-эътибор топади.

Тўхтатож Ҳақимов кейинги 5 йил мобайнида шаҳар маорифига раҳбарлик қилди. 1981 йилдан 1988 йилгача Каттакўрғон шаҳар партия кўмитаси котиби лавозимида фаолиятини давом эттирди. Бу пайтда Т.Ҳақимов ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида шаҳардаги тарихий иншоотлар – "Нақиббек" мадрасаси ва ҳозирги шаҳар ўлкашунаслик, тарихий музейи биноси таъмирланди. Драма театри репертуари халқчил, томошақил қилиб бойитилди, маданият уйи фаолияти тубдан ўзгарди.

Тўхтатож ака камтарин, дилкаш ва ҳожатбарор инсон эди. Жомоадоллари хурсандчилик ва ташвишларини ўз қувончи ва ташвиши деб билар, кимдандир муҳтожлик сезса, ёрдамга ошиқар, шу билан бирга, ўта талабчан ва ҳар бир ишни белгиланган муддатда урдалаган ходимни эъзозлар эди.

Бу инсоннинг номи маҳалла институти таши-



Суратда: Тўхтатож Ҳақимов турмуш ўртоғи Клара ая билан.

лотчилари сафида алоҳида тилга олинади. Ўша даврда Каттакўрғонда "Қаландархона", "Бегижон", "Ҳожи Қурбон", "Кўчаҳур" "Сармозор", "Ҳайдархаман" каби гузарлар мавжуд бўлган. Гузарлар аҳолиси ўртасида Тўхтатож Ҳақимов ва Ҳанифа Шукровалар норасмий "домком", "ўнбоши" номлари билан аталадиган маҳалла улуглари фаолиятини ва бошқарув услубларини чуқур ўрганган. Натижада шаҳар ҳудудини маҳаллаларга ажратиб бошқаришда қўлай ва афзал томонлар мавжудлигини биринчилар қаторида илғаб, маҳалла тизимининг даставвал Каттакўрғонда, кейинчалик Наманган вилоятида татбиқ этилишига сабабчи бўлган.

Т.Ҳақимов 1990 йилда сеvimли касби - ўқитувчиликка қайтиб, 13-ўрта мактабда директор ўринбосари вазифасида ишлаб, нафақага чиқди. Аммо катта ҳаётий тажрибага эга Тўхтатож ака жомоат ишидан ўзини олиб қочмади: умрининг охиригача ўзи яшаган "Зомин" маҳалла фуқаролари йиғинида маслаҳатчи сифатида ишлади.

Тўхтатож Ҳақимовнинг машаққатли, лекин мазмун-моҳиятга тўла ҳаётда умр йўлдоши - танкичи педагог, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Клара Ҳақимова ҳамроҳлик қилди. Маърифатли бу оилада тўрт фарзанд вояга етди. Бугун уларнинг барчаси ота-она дуосини олиб, эл-юрт қорига ярайдиган етук мутахассислар бўлиб етишди.

Фидойи педагог, масъулиятли лавозимларда самарали меҳнат қилиб, Каттакўрғон шаҳри раҳнақига улкан хисса қўшган Тўхтатож Ҳақимов ҳаёт бўлганида шу кунларда 86 ёшга тўлган бўлар эди.

У кишидан яхши ном, эзгу аъмоллар, солиҳ фарзандлар қолди.

Акрам ҚУРБОНОВ.

## "JOMBOY DON MAHSULOTLARI"

акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!

"Jomboy don mahsulotlari" акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2022 йил 22 сентябрь кунини соат 09:00 да Жомбой шаҳри Буюк ипак йўли кўчаси, 1-уй манзилида жойлашган жамият маъмурий биноси мажлислар залида ўтказилади.

КУН ТАРТИБИДА:

1. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш тўғрисида;
2. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши саноқ комиссияси сони ва шахсий таркибини сайлаш тўғрисида.
3. 2021 йил якуни бўйича жамият фойдасини тақсимлаши, устав фондидаги акцияларга ҳисобланадиган дивиденд миқдорининг белгиланиши ва дивидент тўлаш муддатини тасдиқлаш.

**САЙЁР ҚАБУЛГА МАРҲАМАТ!**  
Ургут тумани молия бўлими биносида 2022 йил 6 сентябрь кунини соат 10:00 да вилоят молия бош бошқармаси бошлиғи Б.Т.Мирзаевнинг сайёр қабули ўтказилади.

Қабулда фуқаролар ўзларини қизиқтирган масалалар бўйича мурожаат қилишлари мумкин.  
**Манзил: Ургут шаҳри Навоий шоҳкўчаси, 104-уй.**  
**Туман молия бўлими биноси.**  
**Мурожаат учун телефон:**  
**+99866-483-15-72.**

**ДАЪВОЛАР БЎЛСА...**  
Самарқанд шаҳар ҳокимлигидан 2017 йил 25 июлда 1258-қ-сон билан рўйхатга олинган Самарқанд вилоят уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси хузуридаги "TAMIRLASH-TIKLASH XIZMATI" давлат унитар корхонаси (қисқартирилган номи: "TAMIRLASH-TIKLASH XIZMATI" ДУК) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 4 августдаги ПҚ-346-сонли қарори 9-бандига асосан белгиланган тартибда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдирилдиган барча эътирозлар газетда эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.  
**Корхонанинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Чукур йўли кўчаси, 35-уй.**  
Корхонанинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 207258181.

Пайриқ туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасида марҳум Рузиев Киличбайга (2021 йил 16 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг

Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасига мурожаат этишлари сўраймиз.  
**Манзил: Самарқанд шаҳри Челек шаҳарчаси, Истиқлол кўчаси, 73-уй.**

Ургут туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Ҳошимов Ғолиб Бахтиёрович нотариал идорасида марҳум Рашидов Умаркул Фозиловичга (2021 йил 10 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ҳошимов Ғолиб Бахтиёрович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.  
**Манзил: Ургут шаҳри Боғи Усмон мавзеси.**

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Умаров Акмалжон Шавкатович нотариал идорасида марҳум Хидиров Ойсарага (2021 йил 29 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Умаров Акмалжон Шавкатович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.  
**Манзил: Самарқанд шаҳри Абдураҳмон Жомий кўчаси, 17-уй.**

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Исмоилова Шахло Бахрилоевна нотариал идорасида марҳум Раҳимов Санъат Абдуллажоновнага (2015 йил 4 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Исмоилова Шахло Бахрилоевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.  
**Манзил: Самарқанд шаҳри Абдураҳмон Жомий кўчаси, 17-уй.**

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Бахромова Феруза Заировна нотариал идорасига мурожаат этишлари сўраймиз.  
**Манзил: Самарқанд шаҳри Амр Темур кўчаси, 108-уй.**

ган ишончномалар билан келишлари сўралади.  
**Мурожаат учун телефон:**  
**+99866-240-71-71.**

**Жамиятнинг электрон почта манзили:**  
**jomboydon\_aj@mail.ru**  
Ҳурматли акциядорлар, жамият акциядорлари умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги ахборот ва бошқа маълумотларни жамият акциядорларига сифатли ва тезкор равишда етказилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ, электрон почта орқали амалга оширилишини инобатга олиб, сиздан электрон почта манзилингизни (Email) тақдим этишингиз лозимлигини маълум қиламиз.  
**ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ.**

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Мирзаева Барно Жўракуловна нотариал идорасида марҳум Саидов Фироз Амритдиновичга (2019 йил 11 майда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Мирзаева Барно Жўракуловна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.  
**Манзил: Самарқанд шаҳри Амр Темур кўчаси, 108-уй.**

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Мирзаева Барно Жўракуловна нотариал идорасида марҳум Саидов Фироз Амритдиновичга (2019 йил 11 майда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Мирзаева Барно Жўракуловна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.  
**Манзил: Жомбой тумани Тошкент кўчаси, туман давлат хизматлари маркази биносида.**

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Норкулов Умид Рустамович нотариал идорасида марҳум Ахаткулов Асатиллога (2021 йил 17 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Норкулов Умид Рустамович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.  
**Манзил: Самарқанд шаҳри Туркистон кўчаси, 62-уй.**

Самарқанд туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Ахтамов Эркинжон Толибжонович нотариал идорасида марҳум Джалолов Асадага (2002 йил 14 февралда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ахтамов Эркинжон Толибжонович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.  
**Манзил: Самарқанд тумани Андижон маҳалласи.**

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Умаров Акмалжон Шавкатович нотариал идорасида марҳум Джумаев Раҳимга (2021 йил 5 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Умаров Акмалжон Шавкатович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.  
**Манзил: Самарқанд шаҳри Абдураҳмон Жомий кўчаси, 17-уй.**

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**  
Фуқаролар Валиева Гулбахор Самежоновна ва Нурмамедова Фатималар ўртасида 2022 йил 28 мартда Самарқанд шаҳри Амр Темур кўчаси, 152-уй, 12-хонадон учун тузилган, Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Шукророва Лобар Олимжон қизи томонидан тасдиқланган, реестр рақами 202202256002126, бланк рақами KSH № 0869 SA бўлган оқди-сотида шартномасининг асл нусхаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд санъат коллежидан 2018 йилда Ортиқова Нилуфар Фарход қизи номига берилган рўйхат рақами 1610, К № 5109307 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.  
Фуқаро Абдуллаева Гулбахор Талатовнага қарашли Самарқанд тумани Ҳўжа Аҳрор Вали 2-маҳалласи, Боғизагон кўчаси, 7-уй-жойининг кадастр ҳужжатлари тўплами йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.  
Самарқанд давлат чет тиллар институти академик лицейидан 2018 йилда Акрамова Одина Аҳмад қизи номига берилган рўйхат рақами 060, L № 335191 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

## Муносабат

Жом қишлоғи чекка худуд ҳисобланади. Гарчи Самарқанд – Қарши йўли ёқасида жойлашган бўлса-да, унинг давоми балан тоғларга тута-шади. Инфратузилманинг йўқлиги, йўл ва кў-прикларнинг сел сувида ювилиб кетиши бу ерда яшаш шароитини оғирлаштирган эди. Ана шундай пайтда давлатимиз раҳбарига мурожаатимиздан сўнг Жом “Обод қишлоқ” дастурига кирди ва қисқа муддатда сўлим шаҳарчага айланди. Энди бизнинг янги шифоҳона ва мактабимиз, замонавий хизмат кўрсатиш шохобчаларимиз, асфальт ётқизилган равон йўлларимиз бор. Қишлоқнинг ярми тадбиркорлик билан шуғулланади.

## Халқ бунёдкорлигининг жонли музейи

Мен Самарқандга ана шу кайфият, қишлоғимиздаги чиройли иморатлар завқи билан келганимда бу ерда барпо этилган сайёҳлик марказини кўриб, тўғриси, Президентимизнинг гоҳси, лойиҳачи ва қурувчиларининг маҳоратидан ҳайратга тушим. 200 гектардан ортиқ майдонда замонавий шаҳарча барпо этилибди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг биз, нурунийлар билан суҳбатда шонли тарихимиз, гоҳнинг аҳамияти, бунёдкорлар иқтидори ҳақида фахр билан айтган гаплари кўнглимни тоғдек кўтарди. Кўпни кўрган нурунийлар ушбу мўъжизага кўз тегмасин, деб дуо қилдилар.

“Боқий шаҳар” мажмуаси халқ бунёдкорлиги ва


бирдамлигининг жонли музейига айланибди. Барча вилоятлардан келган ҳунармандлар, усталар, ноёб касб эгалари қирқдан зиёд расталарда миллий қадриятларимизни намойиш этмоқда. Обидалар ихчам ҳолда ўша давр қурилиш ҳомаиеси билан аслига ўхшатиб, шу қадар маҳорат билан қурилганки, бу мўъжизага маҳлиё бўлиб қоласиз.

Марказнинг очилишида давлатимиз раҳбари сўзлаган нутқ, аввалгиларига ўхшамаган саҳна томошаси, янги амфитеатрга тўпланган танкичи зиёлилар ва хориж элчихоналари вакиллари-нинг эътирофи, олқиши қалбини тўлқинлантириб юборди.

Эштурди **РАҲИМОВ**, меҳнат фахрийси.

## Имом Бухорий мажмуаси маънавият ва илм маскани бўлади

Давлатимиз раҳбари 23-24 август кунлари Самарқанд вилоятига ташрифи чоғида ҳар галгидек Имом Бухорий мажмуасига ташриф буюриб, муҳаддислар султони қабрини зиёрат қилди.



Айни пайтда бу қутлуғ зиёратгоҳ Президентимиз ташаббуси билан буюк муҳаддис бобомизнинг мусулмон оламидаги юксак ҳурматига муносиб тарзда қайта қурилмоқда. Давлатимиз раҳбари ушбу жараёнлар билан танишиб, “Бу лойиҳани кўп муҳокама қилдик, қайта-қайта келиб кўрдик. Энди қурилишда ҳам шомаслик керак. Ҳам зиёрат, ҳам ибодат нуқтаи назаридан бу ерда ҳамма шароит бўлиши зарур”, деди.

Шавкат Мирзиёев мажмуа ёнида Имом Бухорий ҳаётини кўрсатувчи электрон музей ташкил этиш тақлифини билдирди. Унда буюк муҳаддиснинг ҳаёти, илм йўли, ўша давр тарихи ахборот технологиялари орқали кўрсатилади. Бу музей халқимизга яна бир маънавий хазина бўлади.

Президентимиз ушбу жой фақат бино ва иншоотлардан иборат маскан бўлиб қолмасдан, инсонларнинг қалбини забт этадиган, айниқса, ёшларнинг ҳаётда адашмасдан, тўғри йўлни топишларида хизмат қилувчи илмий даргоҳ, илм ўчоғи бўлиши лозимлигини таъкидлади.

Чунки бу жойда гўзал иншоотлардан ташқари маънавият, илму ирфон тараннум этиб турилади.

Унинг ҳар бир гўшасида ўзига хос маъно бўлади. Имом Бухорий ҳазратларининг равзаларига бораварида 74 та устун орасида муҳаддис бобомизнинг “Саҳиҳи Бухорий”, “Адабул муфрад” асарларида келтирилган дину диёнат, одоб-ахлоқ, маънавият, одамийликка доир ҳадислар ўзбек, араб ва инглиз тилларида ёзиб қўйилади. Зиёратчилар ушбу битикларни ўқиб, маънавий озуқа оладилар, ҳаёт мазмуни ва моҳиятини англайдилар.

Мажмуа ёнидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази тадқиқотчилари, олий ҳадис мактаби тингловчилари ўзларининг амалий машғулотларини ушбу қутлуғ масканда олиб боришлари режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари, мажмуа келгусида бу ерда қорилар томонидан кечаю кундуз, узлуксиз равишда Қуръони карим оятлари тиловат қилиб турилиши, Имом Бухорий ҳазратларининг асарларидан жой олган 7000 дан зиёд саҳих ҳадислар бу жойда мутолаа ва таржима қилиниши, бу жараённи тўғридан-тўғри эфирга узатиб турадиган медиа-студия ташкил этилиши таъкидланди.

Режалар улкан, иншооллоҳ улар амалга ошади. Бу эзгу ниятлар, улғувор ишлар Имом Бухорий ҳазратларининг бундан ўн икки аср муқаддам динимиз ва илм-маърифат ривожига қўшган беқиёс хизмати учун буюк олимга чўқур ҳурмат-эътиборнинг рамзидир.

Зайниддин **ЭШОНҚУЛОВ**, Ўзбекистон мусулмонлар идораси вакили, вилоят бош имом-хатиби.

Жорий йилнинг 27 август куни Давлат тест маркази 2022-2023 ўқув йили учун олий таълим муассасаларининг бакалаврият таълим йўналишларига кириш тест синовлари бўйича танлов натижаларини эълон қилди.

## ДТМ абитуриентлар натижаларини эълон қилди

### Тўлов-контракт миқдорлари оширилмайдиган бўлди

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз таълим тизимига берган алоҳида эътибори, жумладан, талабаларга олий таълим олишлари учун кўрсатган қамқорлиги, халқчил сиёсати натижасида 2022-2023 ўқув йили учун барча йўналишлар бўйича тўлов-контракт миқдорлари оширилмайдиган бўлди.

Янги ўқув йилида давлат олий таълим муассасалари, жумладан, молиявий мустақиллик берилган олий таълим муассасаларида ҳам базавий тўлов-контракт қиймати 2021-2022 ўқув йили учун белгиланган миқдорларда сақлаб қолинади.

Шу билан бир қаторда, табақалаштирилган тўлов-контракт миқдорлари ўтган ўқув йили учун белгиланган миқдорларда ўзгаришсиз қолади.



### Тўлов-шартномаларни олиш тўлиқ рақамлаштирилди

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги талабаларга янги ўқув йилининг биринчи кунидан бошлаб тўлов-шартномаларни электрон шаклда, ортиқча овозгарчиликларсиз онлайн олиш имконини бермоқда. Бунинг учун вазирликнинг kontrakt.edu.uz платформасидан фойдаланган ҳолда шартномани юклаб олиш талаб этилади.

2022 йил 5 сентябрдан бошлаб барча босқич талабалари (бакалавр, магистр, суперконтракт) тўлов-шартномани онлайн юклаб, тўловни амалга оширишлари мумкин.

## Ўзгаришлар самараси

Яқинда бир кишининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларидан бирида ёзиб қолдирган фикрларини ўқиб қолдим. Норозилик кайфияти сезилиб турибди. Нима эмиш, кўшнисининг уйини таъмирлашда давлат ташкилотлари вакиллари кўмаклашибди-ю, унинг дардини эса ҳеч ким эшитмабди.

Ўтган куни иш юзасидан бир тадбирда иштирок этиш учун у яшайдиган маҳаллага бордим. Маълум бўлишича, маҳалла “Обод қишлоқ” дастурига тушган экан. У назарда тутган кўшниси ногирон, “Темир дафтар”га киритилган, шунинг учун ҳам ҳомийлар ёрдамида уйи таъмирланаётган экан. Дардини ижтимоий тармоқларда дoston қилаётган акамининг эса каттагина томорқаси, ўн бошга яқин қорамоли бор. Шунингдек, тоғни урса, талқон қиладиган фарзандлари ёнида.

Ҳаётга теярроқ назар солишини маслаҳат бердик. - Бундан бир неча йил аввал қишлоқ кўчалари у ёқда турсин, хонадонларимизда чироқ йўқ эди-ку! - деди нурунийлардан бири. - Ёзда чанг, қишда лой кўчаларда ишга,

## “Яхши ўқи, машина ўз “оёғи” билан келади”

Бир куни ишдан қайтаётим, соя-салқин жойда бироз хордиқ чиқариш мақсадида хиёбонга бордим. Фаввора ёнидаги ўриндиқда бир ёш йигит китоб ўқиб ўтирган экан. Бу кейинги пайтларда камдан-кам кузатиладиган ҳолат эди. Унга ҳавас қилдим. Сал наридаги ўриндиққа жойлашиб, қўл телефонимдан шу кунларда уйда ўқиётган китобимнинг электрон вариантини топиб, кўз югуртирдим. Ўқиганим билан уқолмадим. Ҳаёлим шу йигит билан суҳбатлашишда эди, ammo унга халал беришни истамдим.

Орадан ярим соатлар ўтгач, йигит китобни ёпиб, ўрнидан турди. Уни имлаб ёнимга қақирдим. Танишиб, ўзимни қизиқтирган саволларимга жавоб олишга ҳаракат қилдим.

- Оилада 5 фарзандимиз, - деди у. - Мен тўнғичиман. Отам қишлоғимизда бозор бўладиган кунлари эшак аравада одамларнинг юқини таширди. Унинг шу аравадан бошқа уллови йўқ. Кейинги пайтларда юк ташиги мўлжалланган енгил автомашиналар, кажавали мотоцикллар пайдо бўлиб, эшак аравага эҳтиёж қолмади. Бу билан отам ишсиз қолди, демоқчимасан. Томорқада

меҳнат қилиб ҳам бемалол рўзгор тебрата олади. Аравакашликни эса кўшимча даромад манбаи, деб биларди. Рўзгордан ортган пулларни йиғиб, эскироқ бўлсаям машина ёки кажавали мотоцикл сотиб олишни тақлиф қилсақ-да, унамасди. Бунинг ўрнига доимо бизга китоб ва ўқув қуроллари олиб берарди. “Яхши ўқисаларинг, машина ўз “оёғи” билан келади”, дерди кулиб. Онам ҳам кейинги 5-6 йил ичида бизнинг ўқимизга алоҳида эътибор қаратди. Авваллари пул бўлмаса, институтга кириш осонмас, деб юраркан. Сабоби, онамнинг билими кучли бўлса-да, талабалик насиб қилмаган. Айтиши-

ча, уларнинг даврида фақат пули борларнинг фарзанди ўқишга кирган экан. Ҳозир эса вазият бошқача. Йигит бироз жим қолди. Унга истироҳат боғида китоб ўқшнинг гашти бошқача бўлса керак-а, деб савол бердим.

- Бугун ота-онамнинг истаклари ижобат бўлаётгандек, назаримда, - дея сўзида давом этди у. - Кўп китоб ўқиганлигим сабабли юқори балл тўплаб, ўзим орзу қилган олий ўқув юртига грант асосида ўқишга кирдим. Яқинда “Ёш китобхон” танловида қатнашиш учун рўйхатдан ўтдим. Бунинг учун 60 та китоб ўқиш керак экан. Рўйхатдаги баъдий адабиётларнинг аксариятини ўқиган эканман. Уларни такрорлаб, қолганларини кўн билан ўқиб чиқсам, талабалик давримдаёқ отамга автомашина совға қилишим мумкин экан. Шунинг ҳаракатидаман ҳозир. Қишлоқда қирда ёки сой бўйида, шаҳарда эса хиёбонда ўтириб, китоб ўқисам, воқеалар ва қаҳрамонларнинг исмларини эслаб қолиш осонроқ туюлади.

Бугун ёшлар учун яратилаётган имкониятларнинг кўлами кенг. Улардан оқилона фойдаланаётган йигит-қизларимиз эса албатта, кўзлаган мақсадларига эришади.

Дилноза **ҲАСАНОВА**.



Шавкат **ЗИЁДИНОВ**.

## “SAMARQAND KAMALAK INVEST TEKSTIL”

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни  
энг улуг, энг азиз байрам

## МУСТАҚИЛЛИК КУНИ

билан табриклайди.



Махсулотлар сертифициланган.



MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV

Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 16 449 nusxada chop etildi. Buyurtma 559. Hajmi 2 bosma tabaq, bichimi A-2.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56

BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61

MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi.

«Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy.

Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da. Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir:

A.HAYDAROV.

Navbatchi:

S.MARDIYEV.

Sahifalovchi:

B.ABDULLAYEV.



Saytimizga o'tish uchun QR-kodini telefoningiz orqali skaner qiling

ISSN-201667X



Sotuvda narxi kelishilgan holda